# ИҚТИСОДИЁТДА БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ИЖТИМОИЙ-ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР ВА АҲОЛИНИНГ БАНДЛИГИ

1991 йилнинг тўққиз ойида тахминий маълумотлар бўйича вилоятда 49 минг киши туғилди, 11 минг киши вафот этди. Табиий ўсиш 38 минг кишини ташкил этди. Тошкент вилоятига келганлар сони тахминий маълумотлар бўйича 42 минг кишини ташкил этди. 50 минг киши жўнаб кетди. Аҳолининг оқими камайиши 8 минг кишини ташкил этди.

**Меҳнат ресурслари.** Йил бошида халқ хўжалигида банд бўлган кишиларнинг жами сони ўртача ойлик ҳисобда 668,0 минг кишини ташкил этди. Давлат мулки шаклидаги корхоналар ва ташкилотлардаги ишчилар улуши йил бошидаги 75,7 фоиздан 74,7 фоизгача камайди. Ижара ва акционер корхоналарда банд бўлаётганлар сони тез кўпаймоқда. Уларда ишлаётганларнинг сони йил бошидагидан деярли уч баравар кўпайди ва 30 минг нафардан ортиқ кишини ташкил этди.

Шу йилнинг 1 октябрига келиб саноатда 41 та ижара корхонаси ишлади, бу 1990 йилнинг охиридагига нисбатан 1,5 баравар кўпдир. Улар томонидан шу йилнинг тўққиз ойида 921,9 миллион сўмлик маҳсулот ёки жами саноат маҳсулоти ҳажмининг 15,3 фоизи миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилди. Савдо ва умумий овқатланишда салкам 2 мингта ижара корхонаси ишлаб турди. Улар 399,7 миллион сўмлик (жами товар обороти ҳажмининг 19,9 фоизи) моллар сотдилар. Пулли хизмат кўрсатиш соҳасида ижара асосида 51 корхона ишлади. Уларда 2,1 минг киши банд бўлиб турибди. Бу корхоналар 13,9 миллион сўмлик ёки кўрсатилган пулли хизматлар жами ҳажмининг 5,6 фоизи миқдорида хизмат кўрсатдилар. Тўққиз ой давомида ишлаб турган 34,8 минг кишини (ўриндошлар ҳам шу ҳисобга киради) бирлаштирган 953 ширкат 348,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар ва хизмат кўрсатдилар.

Октябрь ойида иш қидириб меҳнат биржасига 47,7 минг киши мурожаат қилди. 23,6 минг киши ишга жойлаштирилди.

## ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ ВА ХИЗМАТ СОҲАСИ

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг тўққиз ойидагига нисбатан 240,9 миллион сўмлик ёки 10,2 фоиз камайди. Енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 26,6 миллион сўмлик ёки 6,7 фоиз ошди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг тўққиз ойидагига нисбатан 20,3 фоиз ёки 327,1 миллион сўмлик камайди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари айрим муҳим турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди (минг тонна):

| | 1991 йилнинг тўққиз ойида: амалда | 1991 йилнинг тўққиз ойида: 1990 йилнинг тўққиз ойига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Гўшт (I категория суякли гўштлар ҳам шу ҳисобга киради) | 25,5 | 76 |
| Колбаса маҳсулотлари | 12,6 | 51 |
| Балиқ овлаш | 5,2 | 104 |
| Мол ёғи — тонна | 41 | 71 |
| Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари (сутга айлантириб ҳисоблаганда) | 63,1 | 95 |
| Ўсимлик мойи | 21,0 | 89 |
| Қандолат маҳсулотлари | 26,0 | 74 |
| Консервалар — шартли миллион банка | 222,3 | 106 |
| шу жумладан мева-сабзавот консервалари | 222,3 | 106 |
| Минерал сувлари — миллион декалитр | 1,6 | 73 |

Алкоголли ичимликлар (мутлақ алкоголга айлантириб ҳисоблаганда) ишлаб чиқариш 0,3 миллион декалитрни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5 фоиз кўпдир. Бунда узум виноси ишлаб чиқариш 18 фоиз кўпайди. Коньяк ишлаб чиқариш икки фоиз, пиво ишлаб чиқариш етти фоиз қисқарди.

Ноозиқ-овқат халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотлар қуйида келтирилади:

| | 1991 йилнинг тўққиз ойида: амалда | 1991 йилнинг тўққиз ойида: 1990 йилнинг тўққиз ойига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Трикотаж буюмлари — миллион дона | 1,0 | 85 |
| Пайпоқлар — минг жуфт | 382 | 129 |
| Пойабзал — миллион жуфт | 5,1 | 106 |
| Сунъий ювиш воситалари — минг тонна | 5,2 | 100,5 |
| шу жумладан, майда қадоқлангани | 5,2 | 100,5 |
| Кир совун — минг тонна | 12,0 | 92 |

Давлат ва ширкат савдоси чакана товар оборотининг жами ҳажми шу йилнинг январь-сентябрида 2007,4 миллион сўмни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 40 фоиз (амалдаги нархларда) кўпдир.

Шу йилнинг иккинчи чорагида таққослама нархларда товар обороти жами ҳажмининг сезилган пасайиши учинчи чоракда ҳам сақланиб қолди. Чунончи у январь-июлда 10,6 фоиз, январь-августда 9,8 фоиз, январь-сентябрда 10,1 фоиз камайди.

Вилоятнинг чакана савдо ташкилотларида 1 октябрга келиб 498,3 миллион сўмлик мол захиралари бор эди. Бу ўтган йилнинг шу санасидагига нисбатан 55,3 фоиз, шу йилнинг биринчи сентябридагига нисбатан 6,9 фоиз кўпдир.

Савдога озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришнинг камайиши давом этди. Шу йилнинг январь-сентябрида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан гўшт маҳсулотлари, гўшт, гўштли консервалар, сут маҳсулотлари, пишлоқ, балиқ етказиб бериш 38,3—47,9 фоиз, қанд-шакар етказиб бериш 2,6 баравар камайди.

Савдога озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришнинг камайиши уларнинг чакана савдо тармоқларидаги захираларининг янада қисқаришига олиб келди. Чунончи шу йилнинг 1 октябригача мавжуд бўлган балиқ консервалари захиралари ўтган йилнинг шу санасидагига нисбатан 2,1 баравар, ўсимлик мойи ва қандолат маҳсулотлари тегишлича 3,2 ва 3,5 баравар, маргарин ва маргарин маҳсулотлари 5,1 ҳамда пишлоқ 10,1 баравар камайди.

Аҳолини дон маҳсулотлари билан таъминлашда ижобий силжишлар кўзга ташланди. Чунончи гуруч сотиш 4,7 фоиз, ун сотиш 8,9 фоиз кўпайди. Макаронлар сотиш 10,5 фоиз камайди.

Мева-сабзавот маҳсулотларини қишга сақлаш учун ғамлаш ўтган йилдагига нисбатан анча тез олиб борилди. Чунончи шу йилнинг 1 сентябригача ўтган йилнинг шу санасига нисбатан пиёз ва сабзи тегишлича 35,0 ва 35,3 фоиз кўп, лавлаги 2,1 баравар, бошқа сабзавотлар 2,9 баравар кўп ғамлаб қўйилди. Айни вақтда картошка 3,9 фоиз, данакли сабзавотлар 3,5 баравар кам ғамланди.

Ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдосида сезиларли яхшиланиш бўлмаяпти. Енгил саноат муҳим буюмларини ишлаб чиқаришнинг қисқариши ва уларнинг бошқа жумҳуриятлардан ҳамда импорт бўйича келишининг камайиши магазинлар пештахталарини бу тармоқ маҳсулотлари билан тўлдириш имконини бермаяпти. Юксак истеъмол хусусиятларига эга бўлган тикувчилик, трикотаж буюмлари, пойабзал, ички трикотаж, пайпоқлар етишмаяпти. Айни вақтда сифати нархларининг юқори даражасига жавоб бермайдиган маҳсулотларни сотиш секинлашди. Телевизорлар, совутгичлар ва радио қурилмаларига бўлган катта талаб сақланиб қолмоқда.

Тикувчилик машиналари, гиламлар ва гилам буюмлари, чарм-галантерея, идишлар ва бошқа моллар савдоси кўп узилишлар билан амалга оширилмоқда.

Шу йилнинг январь-сентябрида 250,6 миллион сўмлик **пулли хизмат** кўрсатилди, бу амалдаги нархларда ўтган йилнинг тўққиз ойидагига нисбатан 31,7 фоиз кўпдир. Барча ўсишга хизмат нархларини ва тарифларини ошириш ҳисобига эришилди. Пулли хизмат ҳажми таққослама нархларда 13,9 фоиз қисқарди.

## УЙ-ЖОЙ ВА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ҚУРИЛИШ

Вилоятда тўққиз ой ичида маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига умумий (фойдали) майдони 387,0 минг квадрат метр бўлган уй-жойлар қурилди ва фойдаланишга топширилди, бу 1990 йилнинг шу давридагига нисбатан тўрт фоиз камдир.

Якка тартибда уй қуриш миқёслари кенгайди. Фойдаланишга топширилган уйларнинг 56 фоизи уй-жой қурилишининг шу турига тўғри келади. Бу ўтган йилнинг шу давридаги даражадан беш фоиз кўпдир. Шу даврда давлат маблағлари ҳисобига уй-жойларни фойдаланишга топшириш 15 фоиз камайди.

Маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига умумий таълим мактабларини ишга тушириш 40 фоиз, клублар ва маданият уйларини фойдаланишга топшириш 15 фоиз қисқарди. Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини фойдаланишга топшириш уч фоиз ошди.

Вилоятда октябрь ойи бошигача давлат уй-жой фонди жами майдонининг 60 фоизи қиш шароитларида фойдаланиш учун тайёрланди. Қозонхоналарнинг 84 фоизи, иситиш тармоқларининг 83 фоизи қиш шароитларида фойдаланишга тайёрлаб қўйилди.

Тўққиз ой ичида 1,6 минг хонадон газлаштирилди, уларнинг 45 фоиздан ортиқроғи қишлоқ жойларига тўғри келади.

## ҲУҚУҚНИНГ БУЗИЛИШИ

Тўққиз ой давомида салкам 8 мингта жиноят ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 0,2 фоиз кам жиноят рўйхатга олинди. Шу даврда оғир жиноятлар сони 1,8 фоиз камайди.

Шахслар гуруҳлари томонидан содир қилинган жиноятлар сони 28,2 фоиз, балоғатга етмаганлар томонидан содир қилиш 15,8 фоиз кўпайди, илгари жиноят қилган шахслар томонидан жиноят содир қилиш 0,3 фоиз камайди.

Давлат ёки жамоат мулкини (майдаларидан ташқари) ўғирлаш 0,3 фоиз, шахсий мулкни ўғирлаш 1,5 фоиз кўпайди. Тажовуз қилиш ва тажовуз қилишга уринишлар сони 29,5 фоиз кўпайди, қасддан ўлдириш, ўлдириш учун уриниш 14,9 фоиз ҳамда қасддан оғир тан жароҳатлари етказиш 5,2 фоиз қисқарди.

Январь-сентябрь ойларида жиноят қилган 5 минг нафардан ортиқ шахс аниқланди, уларнинг 12 фоизи балоғат ёшига етмаганлар, 15 фоизи аёллар, деярли ҳар бештасининг бири меҳнатга лаёқатли, ишламайдиган ва ўқимайдиган кишилардир.

## САНОАТ

Корхоналар маълумоти бўйича вилоят саноатида шу йилнинг январь-сентябрида саноат маҳсулоти ҳажмининг камайиши 5,4 фоизни ташкил этди. Вилоятдаги деярли ҳар уч корхонанинг бири маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 674,0 миллион сўмлик камайтирди.

Шартнома интизомининг ёмонлашиши давом этмоқда. Тузилган шартномаларга мувофиқ истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот ҳажми сентябрь ойида 31,4 миллион сўмлик кўпайди ва тўққиз ойда 89,9 миллион сўмликни (ишлаб чиқариш жами ҳажмининг 1,5 фоизини) ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан (таққослама нархлар бўйича баҳоланганда) 1,8 баравар камдир. Корхоналарнинг 14 фоизи маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажармади. Бундай корхоналар улуши кимё-ўрмон комплексида 22 фоизни, металлургия комплексида 67 фоизни, ёқилғи-энергетика комплексида 25 фоизни ташкил этади.

Бу йил маҳсулот етказиб бериш интизомининг пастлиги туфайли моддий ресурслар билан таъминланмаслик оқибатида саноат корхоналарининг фаолияти тўхтаб қолди. Сентябрь ойида шу сабаб билан иш вақтининг йўқотилиши 27,3 минг киши-кунини ташкил этди, йўқотилган маҳсулот ҳажми 3,6 миллион сўмликдан кўпроқ бўлди.

Натурада саноат маҳсулотининг кўпчилик асосий турларини ишлаб чиқариш камайди. Тўққиз ойда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан муҳим буюмларнинг деярли учдан икки қисми бўйича ишлаб чиқариш қисқарди.

**Ёқилғи-энергетика комплексида** 1991 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши 2,8 фоизни ташкил этди. Ёқилғи-энергетика комплексида асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

| | 1991 йилнинг тўққиз ойида: амалда | 1991 йилнинг тўққиз ойида: 1990 йилнинг тўққиз ойига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Электр энергияси — миллиард киловатт-соат | 17,5 | 95 |
| Кўмир — миллион тонна | 4,5 | 98 |

Электр энергиясини ҳосил қилиш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 0,8 миллиард киловатт-соат, кўмир қазиб чиқариш 79 минг тонна (сентябрь ойида кўмир қазиб чиқариш 114 минг тонна камайди) камайди.

**Металлургия комплексида** тўққиз ойда ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ўн фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон металлургия заводи Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон томонидан металломни тўла етказиб берилмаслиги оқибатида пўлат эритишни 1990 йилнинг январь-сентябридагига нисбатан 91,4 минг тонна, прокат ишлаб чиқаришни 130,8 минг тонна камайтирди. Завод истеъмолчиларга 23,2 миллион сўмлик маҳсулот (сентябрда қарз 10,3 миллион сўмлик кўпайди) етказиб бермади.

**Кимё-ўрмон комплексида** маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажми 6,7 фоиз кўпайди. Бу комплексда муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ҳақидаги маълумотлар қуйидагича бўлди:

| | 1991 йилнинг тўққиз ойида: амалда | 1991 йилнинг тўққиз ойида: 1990 йилнинг тўққиз ойига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Минерал ўғитлари (тўйимли моддалари юз фоизга айлантириб ҳисоблаганда) — миллион тонна | 0,6 | 101 |
| Олтингугурт кислотаси — миллион тонна | 0,8 | 78 |
| Сунъий смолалар ва пластик массалар — минг тонна | 42,5 | 104 |
| Қувурлар ва термопластлардан тайёрланган қувурлар деталлари — минг тонна | 0,5 | 98 |

Кимё маҳсулоти кўпчилик асосий турларини ишлаб чиқариш ҳажми камайди. Олтингугурт кислотаси, қувурлар ва термопластлардан тайёрланган қувурлар деталлари ва бошқа шу каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш тўққиз ой давомида бирор марта ҳам 1990 йилнинг шу даври даражасига етмади.

Сентябрь ойида қатор буюмлар бўйича ишлаб чиқариш шу йилнинг августига нисбатан анча камайиши кузатилди. Чунончи қувурлар ва термопластлардан тайёрланган қувурлар деталларини сентябрь ойида ўртача кундалик ишлаб чиқариш 47 фоиз, капролактам 17 фоиз, минерал ўғитлари 15 фоиз, сунъий аммиак 30 фоиз камайди.

**Машинасозлик комплексида** маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажми тўққиз ойда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,1 фоиз, сентябрь ойида эса 28,5 фоиз ошди. Машинасозлик маҳсулотининг асосий турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

| | 1991 йилнинг тўққиз ойида: амалда | 1991 йилнинг тўққиз ойида: 1990 йилнинг тўққиз ойига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Куч трансформатлари — миллион киловольт-ампер | 5,3 | 82 |
| Компрессорлар — минг дона | 1,6 | 104 |
| Асбоблар, автоматлаштириш воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари — миллион сўмлик | 3,0 | 121 |
| Трактор культиваторлари — минг дона | 10,1 | 88 |

Ўтган йилнинг январь-сентябрига нисбатан компрессорлар, кимё асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш кўпайди.

Шу билан бирга хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар билан таъминланмаслик машинасозлик маҳсулоти турларининг деярли ярмини ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келди. Тўққиз ой давомида деярли ҳар уч маҳсулотнинг бирини ишлаб чиқариш бўйича ўтган йилнинг тегишли давридаги даражага эришилмади.

СССРда биринчи бор ўзлаштирилган машинасозлик маҳсулотининг солиштирма улуши 1990 йилнинг шу давридагига нисбатан қисқарди ва бор-йўғи 11,7 фоизни ташкил этди. Комплекснинг етти корхонасидан фақат икки корхонаси ўз маҳсулотини янгилади.

## ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТИ КОМПЛЕКСИ

Йиғим-терим ишлари ниҳоясига етмоқда. Вилоятнинг жамоа хўжаликлари, шўро хўжаликлари ва хўжаликлараро корхоналарида 21 октябргача дон учун маккажўхори экилган майдонларнинг 96 фоизида, шоли экилган майдонларнинг 73 фоизида, картошка майдонларининг 74, сабзавот майдонларининг 86 фоизида йиғим-терим ишлари тугалланди. 21 октябрга келиб жами йиғиб олинган шоли ҳажми 32,3 минг тоннани ташкил этди, 370,8 минг тонна сабзавот, дон учун 45,5 минг тонна маккажўхори, 41,7 минг тонна картошка йиғиб олинди.

Сабзвот харид қилишнинг йиллик ҳажми 79 фоиз қилиб бажарилди, уларнинг ҳажмлари ўтган йилдагига нисбатан 0,4 фоиз камайди.

Картошка, мевалар, резаворлар, узум харид қилиш йиллик ҳажмлари суст бажарилмоқда. Полиз экинлари, мевалар, резаворлар, узум харид қилиш ҳажмлари 1990 йилга нисбатан камайди.

Жамоа хўжаликлари, шўро хўжаликлари ва хўжаликлараро корхоналарда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажми камаймоқда. Шу йилнинг тўққиз ойида тирик вазнда 33,4 минг тонна ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 17 фоиз кам гўшт етиштирилди, 116,9 минг тонна сут (6 фоиз кам) ва 318,2 миллион дона тухум (13 фоиз кам) етиштирилди.

Бекобод, Чиноз ноҳияларидан ташқари барча ноҳияларда чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан етиштиришни камайтиришга йўл қўйилди. Бу икки ноҳияда гўшт етиштириш кўпайди, Бекобод, Бўстонлиқ, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл ноҳияларида сут етиштириш, Оққўрғон ноҳиясида тухум етиштириш кўпайди. Бошқа ноҳияларнинг ҳаммасида бундай маҳсулотлар етиштириш камайди.

Сут ва тухум етиштириш ҳажми камайишининг асосий сабаблари сигирлар ва товуқлар маҳсулдорлигининг камайиши, айрим ноҳияларда эса сигирлар ва товуқлар сонининг қисқаришидир. Ҳар бир сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори 1990 йилдаги 2345 килограмм ўрнига 2238 килограммни ташкил этди, ҳар бир товуқ ҳисобига тухум олиш тегишлича 150 ва 157 донани ташкил этди.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмларининг камайиши оқибатида уларни харид қилиш қисқарди (барча категориядаги хўжаликларда, минг тонна):

| | Январь-сентябрь: 1990 йил | Январь-сентябрь: 1991 йил | Январь-сентябрь: 1991 йилда 1990 йилга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Чорва ва парранда (тирик вазнда) | 37,8 | 31,1 | 82,3 |
| Сут | 123,3 | 118,6 | 96,2 |
| Тухум — миллион дона | 346,3 | 293,8 | 84,9 |

Ҳисобот даврида фақат Бекобод, Паркент, Пискент, ва Чиноз ноҳиялари хўжаликларида чорва ва парранда, Оққўрғон, Бекобод, Бўстонлиқ, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл ноҳиялари хўжаликларида сут, Оққўрғон, Оҳангарон ва Янгийўл ноҳиялари хўжаликларида тухум харид қилиш жами ҳажми бироз кўпайди.

Шу йилнинг 21 октябригача озиқ-овқат бирлигига айлантириб ҳисоблаганда 253,4 минг тонна озуқа тайёрланди, шартли ҳар бир бош чорва ҳисобига режадаги 17,0 ўрнига 14,6 центнердан озуқа тайёрланди.

Озиқ-овқат базаси аҳволининг ёмонлашиши чорва ва парранда (қўй ва эчкидан ташқари) сонининг камайишига олиб келди, буни қуйидаги маълумотларда кўрасиз (1 октябргача, минг бош):

| | 1990 йил | 1991 йил | 1991 йилда 1990 йилга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Қорамол | 176,4 | 168,1 | 95 |
| шу жумладан сигирлар | 55,6 | 53,6 | 96 |
| Чўчқалар | 165,6 | 145,6 | 88 |
| Қўй ва эчкилар | 284,5 | 284,7 | 100 |
| Барча турдаги паррандалар | 5423,1 | 5206,2 | 96 |

## КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Вилоятда тўққиз ой давомида маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига (ҳисобга олинган ташкилотлар доираси бўйича) 477,2 миллион сўм қийматга эга бўлган асосий фондлар фойдаланишга топширилди. Бу ўтган йилнинг тўққиз ойидаги даражадан 5 фоиз ортиқдир.

Шу давр мобайнида 685,2 миллион сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди. Улардан 446 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан капитал маблағларни ўзлаштириш ҳажми 12 фоиз камайди.

Ишга туширилган барча фондларнинг 77 фоизи давлат корхоналари ва ташкилотлари томонидан фойдаланишга топширилди. Уларнинг ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки фоиз қисқарди.

Капитал қурилишга сарфланган давлат маблағлари январь-сентябрь ойларида 554,6 миллион сўмни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу давридаги даражага нисбатан 17 фоиз камдир. Шу даврда корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари миқдори 12 фоиз камайди.

Ишлаб чиқариш қурилишига ажратилган маблағнинг 179,7 миллион сўми ёки 46 фоизи мавжуд корхоналарни қайта қуриш ва техникавий жиҳатдан қайта ускуналашда фойдаланилди, бу ўтган йилнинг шу давридаги даражага яқиндир.

Ҳар бир сўмлик капитал маблағлар ҳисобига асосий фондларни ишга тушириш 1990 йилдагига нисбатан 14 тийинлик кўпайди ва 66,6 тийинни ташкил этди.

Бу йил ишга туширилиши назарда тутилган 32 та саноат биносининг тўққиз ой давомида фақат 14 таси ёки йиллик топшириқнинг 44 фоизи ишга туширилди.

Вилоятда моддий-техника ресурсларини кўп сонли бинолар қурилишига сочиб юбориш давом этмоқда.

1991 йил бинолар қурилиш дастурини шакллантиришда вазирликлар ва идоралар, буюртмачи корхоналар ва пудратчи ташкилотлар ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ва қурилиши янги бошланадиган 419 та бинони қуриш учун қабул қилдилар, бу қурилишлар учун, қурилиши тўхтатиб қўйилган 197 та бино бўлгани ҳолда, маблағларнинг 23 фоизини ажратдилар.

Бир вақтнинг ўзида қуриладиган бинолар сонининг кўплиги, шу жумладан йилдан-йилга ўтадиган биноларнинг кўплиги уларни ўз вақтида қуриш ишларини амалга ошириш имкониятларининг камайишига олиб келади, бу вилоятда заделнинг норматив даражасини яратиш имконини бермайди.

Хўжалик алоқалари бузилаётган вақтда маблағларнинг бундай сочиб юборилиши ва моддий-техника таъминотидаги мавжуд қийинчиликлар, молия маблағларининг чекланганлиги ҳамда қурилишнинг қимматлашганлиги биноларни бир маромда ишга туширишнинг бузилишига, уларнинг қуриш муддатлари чўзилишига олиб келди, бу оқибат натижада битмаган қурилишларнинг кўпайишига сабаб бўлди. Ҳисобот даврида бундай қурилишлар ҳажми 185,2 миллион сўмлик кўпайди.

Вилоятдаги пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотлари ўз кучлари билан 1991 йилнинг тўққиз ойида 364 миллион сўмлик ишлар ҳажмини бажардилар, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7 фоиз камдир. Шу даврда пудрат ишлари ҳажмининг Ангрен қурилиш ташкилотлари 11 фоиз, Бекобод қурилиш ташкилотлари 22 фоиз камайишига йўл қўйдилар.

## ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Умумий фойдаланишдаги транспортда 50,6 миллион тонна юк жўнатилди, бу 1990 йилнинг шу давридагига нисбатан 0,7 минг тонна камдир.

**Темирйўл транспорти билан** 21,6 миллион тонна халқ хўжалиги юклари жўнатилди, бу ўтган йилнинг шу давридаги даражага нисбатан 0,8 миллион тонна ёки 3,5 фоиз камдир.

Тошкўмир, цемент, минерал ўғитлари, бинокорлик материаллари ташиш ҳажми қисқарди.

Шунингдек вагонларни бир кеча-кундузда ўртача бўшатиш тартибига амал қилинмаяпти. Режада 1935 та вагон бўшатилиши лозим бўлгани ҳолда бор-йўғи 1863 та вагон юкдан бўшатилмоқда. Вагон обороти секинлашди ва 2,33 кунни ёки белгиланган нормативга нисбатан 92,7 фоизни ташкил этди.

**Автомобиль транспорти билан** 1991 йилнинг тўққиз ойида 29,0 миллион тонна юк ташилди, бу ўтган йилнинг шу давридаги даражадан 0,6 фоиз ортиқдир. Юк обороти 3,9 миллион тонна-километр ёки 1,1 фоиз камайди. Бунинг асосий сабаби ҳар бир тонна юкни ташишнинг ўртача узоқлиги қисқарганлигидадир.

Умумий фойдаланишдаги **пассажир транспорти билан** 1991 йилнинг тўққиз ойида 287,8 миллион киши ташилди, бу ўтган йилнинг шу давридаги даражадан 3,7 фоиз камдир. Йўловчи обороти 2,5 фоиз, шу жумладан темирйўл транспортида 1,8 фоиз ва автомобиль транспортида 2,8 фоиз камайди.

Умумий фойдаланишдаги алоқа корхоналари 1991 йилнинг январь-сентябрида аҳолига 11,0 миллион сўмлик хизмат кўрсатдилар.

## ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

1991 йилнинг тўққиз ойида Тошкент вилояти бўйича экспортга маҳсулот етказиб бериш ҳажми 118,7 миллион сўмликни ташкил этди.

Шартнома мажбуриятлари 85,3 фоиз қилиб бажарилди. Ҳорижга 17,4 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади. Бундай маҳсулотлар орасида карбамид, аммофос бор.

Эркин сотиб олинадиган валютага экспорт улуши 1991 йилнинг биринчи ярмидаги 8,8 фоиздан шу йилнинг тўққиз ойида 5,9 фоизгача камайди.

Экспортга етказиб берилаётган маҳсулотлар жами ҳажмида хом ашё ва материалларнинг солиштирма вазни 97,6 фоизни, машиналар ва асбоб-ускуналарнинг улуши 2,4 фоизни ташкил этди. Олмалиқ химия заводи товар алмаштириш муомалаларини амалга оширишни давом эттирмоқда, шунингдек «Ўзбекхиммаш» заводи ҳам ўз маҳсулотини бартер бўйича чет элларга етказиб бермоқда.

Вилоятда 1991 йилнинг 1 октябрига келиб учта қўшма корхона ишлаб турди.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҲИСОБ БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ**

